

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўл ёзма ҳуқуқида*

**УДК: 336:658(575.1)**

**ФОЗИЛЖОНОВ ИБРОҲИМЖОН СОТВОЛДИХЎЖА ЎҒЛИ**


**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ПУЛ ОҚИМИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ  
ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,  
профессор М.П. Эшов**

**Тошкент – 2022**



## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>I боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ПУЛ ОҚИМИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
1.1. Акциядорлик жамияти пул оқими тушунчасининг илмий-назарий асослари.....	14
1.2. Акциядорлик жамияти эркин пул оқимининг ўзига хос жиҳатлари.....	23
1.3. Акциядорлик жамияти дисконтланган пул оқимининг илмий-назарий аҳамият.....	33
<b>1-боб бўйича илмий хулосалар.....</b>	<b>44</b>
<b>II боб. ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ПУЛ ОҚИМИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....</b>	<b>48</b>
2.1. Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари пул оқими ҳолатининг таҳлили.....	48
2.2. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларининг эркин пул оқимларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.....	67
2.3. Ўзбекистон акциядорлик жамиятларининг дисконтланган пул оқимларини прогноз қилиш амалиёти.....	81
<b>2-боб бўйича илмий хулосалар.....</b>	<b>92</b>
<b>III боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ПУЛ ОҚИМИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>95</b>
3.1. Акциядорлик жамиятлари пул оқимини прогноз қилишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....	95
3.2. Акциядорлик жамиятлари пул оқимига таъсир қилувчи омилларни эконометрик моделлаштириш.....	105
<b>3-боб бўйича илмий хулосалар.....</b>	<b>113</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>116</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>119</b>

## КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда глобаллашув ва рақобат жараёнларининг тобора кучайиб бориши шароитида иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашда компанияларнинг пул оқимини шакллантириш ва уни прогноз қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ривожланган мамлакатлар компанияларининг пул оқимларини прогноз қилишда эркин пул оқими ва дисконтланган пул оқими усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бу, ўз навбатида, компанияларда келгусидаги пул оқимларининг реал қийматини аниқлаш имкониятини таъминламоқда.

Ривожланган мамлакатларда компанияларнинг инвестиция фаолиятидан олинган пул оқимларининг кескин ортиши натижасида пул оқимларини прогноз қилишнинг замонавий усулидан фойдаланиш тақозо этилмоқда. Бугунги кунда жаҳон миқёсида компанияларнинг пул оқимлари прогнозини амалга оширишда эркин пул оқими усули муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, «2021 йилда АҚШдаги компанияларнинг эркин пул оқими 44,2 фоизга ўсган»<sup>1</sup>. Акциядорлик жамиятлари пул оқимини кенгайтириш уларнинг келгусидаги пул оқимларини прогноз қилишнинг энг мақбул усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.

Жаҳондаги йирик компанияларнинг тўлов қобилиятини аниқлаш, молиявий стратегиясини режалаштириш, соф пул оқимларининг самарадорлигини баҳолаш, ликвидлик ҳолатини аниқлашда эркин пул оқими усулидан фойдаланиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Компанияларнинг асосий капитал, айланма капитал ва амортизация харажатлари ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда пул оқимларини прогноз қилишда эркин пул оқими ҳамда дисконтланган пул оқими усулларида фойдаланиш, компанияларда келгусидаги пул оқимининг жорий қийматини баҳолаш, фоизлар ва солиқларни тўлашдан олдинги даромадни аниқлаш, солиқлар тўланган кейинги соф операцион фойдани ҳисоблаш ва компанияга йўналтирилган реинвестицияни аниқлаш, компанияларнинг пул

<sup>1</sup> [https://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/New\\_Home\\_Page/datacurrent.html](https://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/New_Home_Page/datacurrent.html)